

28«9»2022yıl.

112-5-76-МТ/2022-son

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 5

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Учкудуқ тумани мактабгача таълим бўлими номидан Низоми асосида иш кўрувчи Д.Гайбулаева бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган Гаранд Учкудуқ МЧЖ номидан Устави асосида иш кўрувчи Ф.Муродов иккинчи томондан Учкудуқ туман Мактабгача таълими бўлимига карашли 5-сонли ДМТТ биносини жорий таъмирлаш ишлари бўйича куйидаги шартномани туздилар:

### I. ТАРАФЛАР.

1. Бажариладиган қурилиш ишлари ишчи лойиҳасига асосан олиб борилади, бажариладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар ва қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар ва бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдиқланган (Форма-2) далолатномаси асосида иш олиб борилади.

Қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. белгиланадиган барча белгилар билан белгилаб қўйилади;

Вақтинчалик иншоотлар - пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

Бажариладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан бажариладиган ишлар;

Шартнома нархини бўлиб чиқиш - ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича обьектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан Учкудуқ туман Мактабгача таълими бўлимига карашли 5-сонли ДМТТ биносини жорий таъмирлаш бўйича лойиҳада кўзда тутилган ҳолда қуриши бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда лойиҳа смета ҳужжатларига асосан 228 780 019 (Икки юз йигирма сakkiz миллион етти юз саксон минг ўн тўққиз ) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

Қурилиш қийматини кўпайтиришга енгib бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

Ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

Объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқга ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибида амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим имзолаш билан расмийлаштирилади.

#### IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

Барча ишларни мазкур шартномада ҳамда иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

Қурилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачининг пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили ҳақида буюртмачини хабардор қилиш;

Қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтқазилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари үрнатиш;

Қурилиш таваккалчилликларини сугурта қилиш;

Қурилиш майдони қўриклинишини таъминлаш;

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда обьектнинг фойдаланишига тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

#### V. БУЮРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини обьект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

Ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 10кун давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

#### VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

10. Шартнома: миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

Кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тұлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бүйича аникланган қурилишнинг давом этиш вақты ишлар бошланган кундан эътиборан 15 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бүйича ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

## VII. ТҰЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР.

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бүйича ишлар умумий қийматининг 30% микдорида аванс үтказади, бу 68 634 005,7 (Олтмиш сakkiz миллион олти юз үттиз түрт минг беш ) сүм 70 тийинни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сұнг, кейинги тұлов «Бажарилған ишлар» далолатномасига (форма-2) асосан амалга оширилади.

16. Пудратчи обьект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бүйича обьектта мулк ҳуқуқини үзіда сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар обьектнинг тасодифий йүқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бүйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирған кундан бошлаб үттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равища хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзgartиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилған ишлар учун ҳақ тұлашдан озод қилинмайди.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

18. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бұлимида күрсатылған муддатлар билан мувофиқлаштирилған ўз режаси ва жадвалига биноан обьектда ишларни бажаришни муттасил равища ташкил этади.

19. Пудратчи обьектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура - қурилиш назорати органлари билан келишади ва унға риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланған тартибда жавоб беради.

20. Қурилиш майдонида умумий тартиби таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисоб-ланади.

21. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тұғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаёттан тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тұғрисидаги ҳужжатларни беради.

22. Пудратчи геодезия нұқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан обьектнинг тұғри ва зарур тарзда белгиланиси, шуниндек баландлик белгилари, үлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тұғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилған бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аникланса, Пудратчи, Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

23. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатыладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугалланғандан кейин уларни далолатнома бүйича Буюртмачига беради.

24. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтінча улашни ва улаш нұқталарida янгидан қурилған коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

25. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб - ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида күрсатылған спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофик бўлишини ҳамда уларнинг сифатини

тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга зга бўлишни кафолатлади.

26. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан иккى кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектқурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қиласди.

27. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса, ёки у бу ҳақида хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишига, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

28. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан, қурилиш ва қурилиш қийматини кўпайтираслик шарти билан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир. Ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишини кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

29. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб - сидиради ва озода сақлайди. Қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга зга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларни бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қиласди.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни З кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

#### **IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ.**

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиг бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиг бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шуниндек ушбу ҳолатлар юзасига кетган вақтга муносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиг бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қиласдилар.

33. Агар томонлар иккى ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### **X. КАФОЛАТЛАР.**

34. Пудратчи: барча ишлар тұлық ҳамда мазкур шартнома шартларида белгиланған мұддатларда бажарилишини;

Лойиха хужжатларига ҳамда курилиш мөйерлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатига;

Үзи томонидан курилиш учун құлланиладын қурилиш материаллари, асбобускуналар ва бутловни буюллар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларидан күрсатылған сертификатцияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларға мувофиқлигини;

Объектдан фойдаланилғанда мұхандис тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланыш қоидаларига мувофиқлигини кафолаттайды.

Мавжуд нұқсанлар ва уларни бартараф қилиш мұддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасыда қайд этилади.

35. Пудратчи нұқсанлар ва чала ишлар күрсатылған далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала буйича хұжалик судига мурожаат қилишини истинос этмайди.

## XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.

36. Буюртмачи: шартнома күчта киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;

Ишларни тугатишининг мазкур шартномада белгиланған мұддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ мұддатга кўпайған ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш мөйерлари ва қоидаларida назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар буйича шартномани бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

37. Пудратчи: ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ мұддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар буйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

38. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой мұддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишларнинг қийматини Пудратчига тўлайди.

39. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилған томон мазкур бўлим қоидаларига мувофиқ иккинчи томонига ёзма билдиришнома юборади.

40. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган заарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

41. Шартноманинг бир томонлами бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларидан ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

42. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

Иккинчи томонга етказилган заарларни қоплайди; Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хусусий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунида, бошқа қонун хужжатларидан ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликга тортилади.

43. Мазкур шартномага тегишли иловаларда күрсатылған ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштиргемаганлиги ва шартномада белгиланған

бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмларининг 0,3% миқдорида пеня тұлайды, бунда пеняның умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки күрсатилмаган хизматлар қийматининг 50% дан ошмаслығы лозим.

Пеня тұланиши Буртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоллашдан озод қилмайды.

44. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашда асоссиз равищда бош тортгандылық учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманиң 0,3 % миқдорида жарима тұлайды.

45. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бүйіча ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати үтказиб юборилған ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисманиң 0,3 % миқдорида пеня тұлайды, бирок бунда пеняның умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50% дан ошмаслығы лозим.

Буюртмачи томонидан топилған нұксонлар ва камчиликтер ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати үтказиб юборилған ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилған ишлар қийматининг 0,3 % и миқдорида пеня тұлайды, бунда пеняның умумий суммаси сифатсиз бажарилған ишлар қийматининг 50 % идан ошмаслығы керак.

Пеня тұлаш Пудратчини ишларни бажарышнинг ёки хизматлар күрсатишнинг кечикиши туфайли етказилған заарларни қоллашдан озод қилмайды.

46. Агар бажарилған ишлар сифати белгиланған стандартларға, қурилиш мөйеरлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларына мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектурилишназорат» инспекциясининг холосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тұлашдан бош тортиши, шуниндек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0,3% миқдорида жарима ундириш ҳукуқига эга.

47. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганини учун мазкур муддада назарда тутилған жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан килингандан ҳарәжатларда, мол-мулкининг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилған фойдада ифодаланадиган пеня билан қолланмаган заарларни қоллади.

48. Муддат үтказиб юборилғанлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганнага учун пеня тұлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажарышдан озод қилмайды.

### III. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

49. Шартномани бажарышда ва бекор килишда шуниндек етказилған заарларни қоллашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун ҳужжатларида белгиланған тартибда иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

### XIV. ТАРАФЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БҮЙИЧА МАЪСУЛИЯТИ.

5.1. Тараплар шартнома шартларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси "Коррупцияга карши курашиш түгрисида"ти конун талабларига сўзсиз амал килади.

5.2. Тараплар, уларнинг вакиллари ва ходимлари ўз мажбуриятларини бажариш жараённанда ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олган ҳолда, ушбу шартнома доирасида конун бузилишга олиб келадиган харакатлар(харакатсизлик)га йўл кўймайдилар.

5.3. Тараплар Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашиш соҳасидаги амалдаги конун ҳужжатлари талабларига риоя этиш баробарида куйидагиларга йўл кўймаслик мажбуриятини оладилар:

- пора бериш, шунингдек ушбу жиноятга воситачилик килиш;
- товламачилик, ёки бошқа ноқонуний йўллар билан пора олишга ундаш;
- пора олишга бевосита ёки билвосита розилик бериш.

5.4. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари рағбатлантиришнинг хар кандай шаклини рад етадилар жумладан:

- тарафларнинг ходимлари ёки вакилларидан пул маблағлари олиш, совғалар бериш, уларга бепул хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажаришни ушбу харакат(харакатсизлик)ни амалга оширган ходим ёки ваколатли вакил уни рағбатлантирадиган томон фойдасига хар кандай харакатни бажаришни.

5.5. Тарафларга шартнома шартларини амалга оширишда сунъий равища иккинчи тарафга нокурайликлар туғдиринб, коррупциявий омил пайдо бўлишига бевосита ҳамда билвосита сабабчи бўлиш тақиқланади.

5.6. Агар шартнома тарафлари томонидан шартнома шартларига риоя қилмаслик ёки ушбу шартларнинг бузилиш ҳолатлари содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилинганде шунингдек, шартноманинг 5.1-бандида белгиланган қондалардан бири содир етилганда ушбу харакат содир етилганлиги юзасидан иккинчи томонни хабардор килиш мажбуриятини ўз зиммасига олади ҳамда шартнома шартлари ёки конун бузилишининг инкор етилмайдиган далиллари мавжуд бўлганда, шартнома тарафлари Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашиш соҳасидаги ваколатли давлат органларига мурожаат қиладилар.

## V. АЛОҲИДА ШАРТЛАР.

50. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

51. Пудратчи қурилиш обьектига ёки уларнинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

52. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, хақиқий ҳисобланади.

53. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган хар кандай аҳдалашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар щаклида ёзма равища тасдиқлашти керак.

54. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод килиш санаасигача бажарилган ишлар учун унга ҳак тўлашини кечикиришга ҳаклидир.

55. Мазкур шартномада назарда тутилган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари кўлланилади.

56. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлиб, 2 нусхада тузилди. Шартнома тарафлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб Фазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтгандан кейин конуний кучга киради ва амал килиш мuddати 2022 йил 31 декабргача белгиланади.

## XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

### XIV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР.

50. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

51. Пудратчи қурилиш обьектига ёки уларнинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

52. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, хақиқий ҳисобланади.

53. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага кўшимчалар ёки ўзгаришишлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

54. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мulkни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечикиришга ҳақлидир.

55. Мазкур шартномада назарда тутилган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қулланилади.

56. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлиб, 2 нусхада тузилди. Шартнома тарафлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб Газначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтгандан кейин қонуний кучга киради ва амал қилиш мuddати 2022 йил 31 декабргача белгиланади.

#### XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

<b>БЮОРТМАЧИ</b>	<b>ПУДРАТЧИ</b>
<p>Ташкилот номи: Мактабгача таълим бўлими          Манзил: Учқудук туман Чўл гули 26 уй          Телефон: 79 593-49-47          СТИР коди: 305149316          ОКОНХ: 04443          X/r: 100022860122487091100251007          Банк номи: Тошкент шахар Марказий банк          МФО: 00014          Газначилик номи: Учқудук туман бўлинмаси          X/R: 23402000300100001010          Банк номи: Тошкент шахар Марказий банк          МФО: 00014 СТИР коди: 201122919</p> <p>Рахбар: _____          Файбуллаева          М.ў.</p>	<p>"GARANT UCHQUDUQ" МЧЖ          Манзил: Учқудук тумани А. Темур кўчаси 4 уй          Телефон: 93-149-11-11, 94-225-11-11          СТИР: 303 314 319 ОКОНХ: 41202          X/r: 20208-000-700-460-641-001          Банк номи: АЖ "Миллийбанк" Учқудук филиали</p> <p>МФО: 00880            Рахбар: _____ Ф.Муротов</p>

	Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun <b>QR Code</b> ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.S.H.	DILORA G'AYBULLAYEVA O'KTAMOVNA
	Imzolangan sana	28 сен 2022 17:56
	Hujjat kodи	BO37152623
	Hulosa kodи	UF4050711300

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

**№ BO37152623**

**1. Loyihaning turi**

Shartnoma.

**2. Loyihaning nomi**

Pudrat shartnomasi №

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot**

Uchquduq tuman maktabgacha ta'limi bo'limi. 28.09.2022 yil.

**XULOSA**

Ushbu Uchquduq tuman maktabgacha ta'limi bo'limi va "Garand Uchquduq" MCHJ bilan o'zaro tuzilgan Uchquduq tuman maktabgacha ta'limi bo'limiga qarashli 5-sonli MTT binosini joriy ta'mirlash tog'risidagi shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 37-bob, 31-655-moddalari yana "Xarid qilish tartib-taomillarini tashkil etish va o'tkazish tartibi to'g'risidagi Nizom" talablariga rioya qilingan hamda talablariga javob beradi, qabul qilinishi ko'zda tutilayotgan mazkur loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Bosh yuristkonsult



N.SHodiyeva  
28.09.2022 yil.